# ШАРТНОМА-№ 4
## (қурилишда пудрат ишларини бажариш ҳақида)

“ 10 “ октябр 2022 й.                                                                Қарши шаҳри.

**Қарши шаҳар хокимлиги** номидан иш юритувчи шаҳар хокими **Нормумин Холбоев Яхшиевич** (кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритилади) бир томондан ва **“Xamid Xursand Qurilish Invest” маъсулияти чекланган жамият** Низомига асосан иш юритувчи жамият раҳбари **Жабборова Дилафруз Закировна** (кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритилади) иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

### 1. Шартнома предмети.

1.1.”Пудратчи”, Қарши шаҳрида 2022-йилги Обод маҳалла дастурига асосан Гунгон МФЙ биносини жорий таъмирлаш ишларини лойиҳа ҳужжатига асосан бажариш ва уларнинг натижасини “Буюртмачи”га топширади. “Буюртмачи” эса, лойиҳа ҳужжатларига асосан бажарилган таъмирлаш ишларини қабул қилиб олиш ва “Пудратчи”га ҳақ тўлаш мажбуриятини оладилар.

1.2.”Пудратчи” шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган таъмирлаш ишларини ўзининг ишчи кучи, ўз маблағи ва қурилиш материаллари ҳисобидан бажаради.

1.3.”Пудратчи”, “Буюртмачи”нинг топшириқларини бажариш усулларини мустақил белгилайди.

1.4.Ишлар “Пудратчи” ва “Буюртмачи” томонидан топшириш ва қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг бажарилган деб ҳисобланади.

1.5.Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

### 2.Томонларнинг мажбуриятлари.

**2.1.“Пудратчи”нинг мажбуриятлари.**

2.1.1.Шартноманинг 1.1-бандида кўзда тутилган пудрат ишларини ўзининг ишчи кучи, воситалари ва материаллари ҳисобидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур шартномада кузда тутилган муддат ва ҳажмда бажариб, натижасини “Буюртмачи”га топшириш.

2.1.2.Ишларни бажаришда техника ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш.

2.1.3.”Буюртмачи”га ишларни лойиҳа ҳужжатига ва амалдаги қонун ҳужжатларга мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш.

2.1.4.Ишлар ушбу шартномадан четга чиққан ҳолда бажарилиб, иш натижаси ёмонлаштирилган бўлса, йўл қўйилган камчиликларни ўзининг ҳисобидан бартараф қилиш.

2.1.5.Ишлар бажарилган объектларни қабул қилиш далолатномаси имзолангандан бошлаб 5 (беш) кун муддатда объектдан ўзига тегишли мол-мулкни ва ускуналарни олиб кетиш.

2.2.Шартноманинг 3.3-бандида кузда тутилган тўловлар “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида амалга оширилмаганда, “Пудратчи” иш натижаларини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

**2.3.“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари.**

2.3.1.Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган таъмирлаш ишларини бажаришни “Пудратчи”га топшириш.

2.3.2.”Пудратчи” билан доимо алоқада бўлиши ва мавжуд масалаларни ҳал қилиш учун ўзининг вакилини ажратиш.

2.3.3.Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун “Пудратчи”га ҳақ тўлаш.

2.3.4. ”Пудратчи”нинг ёзма хабарномасини олган кундан бошлаб 10 кун ичида бажарилган ишларни қабул қилиб олиш.

2.4. “Буюртмачи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.4.1.“Пудратчи”нинг фаолиятига аралашмасдан, ишларни бажарилишига ҳалақит бермаган ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини текшириб кўриш.

2.4.2.“Пудратчи”нинг ишларни бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажарилиши натижасида, уларни белгиланган муддатда тугатиши мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, шартномадан воз кечиб, етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.4.3.“Пудратчи” томонидан ишлар ўз вақтида лойиҳа ҳужжатига мос ҳолда бажармаганлиги аниқ бўлиб қолса, “Пудратчи”га камчиликларни бартараф қилиш учун оқилона муддат белгилаш ва бу талабни белгиланган муддатда бажармаган тақдирда, пудрат шартномасидан воз кечиш ёхуд бу камчиликларни “Пудратчи”нинг ҳисобидан тузатишни бошқа шахсга топшириш, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.4.4.Ишлар натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, “Пудратчи”га бажарган иши учун ҳақ тўлаш.

## 3.Шартноманинг баҳоси ва тўлов шартлари.

3.1.Шартнома бўйича бажариладиган ишлар миқдори **308 150 000** ( Уч юз саккиз миллион бир юз эллик минг ) сўмни ташкил қилади.

3.2.Шартнома бўйича бажариладиган ишлар нархи инфляция натижасида томонларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг нархи ошиши билан боғлик ҳаражатлар “Буюртмачи” томонидан белгиланган тартибда қопланади.

3.3.”Буюртмачи” шартнома баҳосининг 30 % миқдоридаги олдиндан тўловни шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 банк иш куни давомида, қолган қисмини эса ишлар қабул қилингандан бошлаб, 20 банк иш куни давомида “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига пул кўчириш йўли орқали тўлаб беради.

## 4.Томонларнинг жавобгарлиги.

4.1.Шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29-августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳал этилади.

4.2. Шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган томон, иккинчи томонга бажарилган иш ҳақини тўлаб беришни кечиктириш ёки ишларнинг бажарилиши кечиктирилса, кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмини 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Бироқ, ҳисобланган пеня миқдори тўланмаган маблағ ёки бажарилмаган ишлар миқдорининг 50 % дан ошмаслиги шарт.

4.3.Неустойка (жарима,пеня) тўлаганлигидан қатъий назар, шартнома мажбуриятларини бузган томон, иккинчи томонга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

4.5.”Пудратчи” томонидан ишларни бажарилишида ишлатилган материалларни тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи “Буюртмачи”га бу ишлар топширилганидан сўнг ўтади.

## 5.Кафолатлар.

5.1.”Пудратчи” ишлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мос равишда бажарилишига ва бажарилган ишлар қабул килинганидан бошлаб 1 (бир) йил давомида яроқли бўлишига кафолат беради.

## 6.Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг таъсири.

6.1.Бартараф қилиб бўлмайдиган ҳолатлар (сув тошқини, зилзила, ёнғин ва бошқалар, ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва в.х) рўй берган ҳолларда томонлар ўзи мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун

жавобгарликдан озод қилинади. Бундай ҳолларда шартномани имзолаган томон иккинчи томонни 3 (уч) кун муддат ичида ёзма рвишда хабардор қилиши керак.

**7.Низоларни ҳал қилиш тартиби.**

7.1.Томонлар ўртасида ушбу шартнома мажбуриятларининг бажарилиши бўйича ёки у билан боғлик вужудга келадиган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал қилинади.

7.2.Агар келишмовчиликлар ўзаро музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилиб, ҳал қилинади.

**8.Қўшимча шартлар**

8.1.Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёки бир томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи томоннинг талаби билан бекор қилиниши мумкин. Шартномани бир томонлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади ва таклиф қабул қилингандан сўнг 10 (ўн) банк иш куни ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартнома бекор қилинган деб ҳисобланади.

8.2.Томонлар ўзларининг юридик манзиллари ва банк реквизитлари ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотларни 5 (беш ) банк иш куни ичида хабардор қилишлари шарт.

8.3.Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, ёзма равишда расмийлаштирилган ва ваколатли шахслар томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий деб ҳисобланади ва киритилган кўшимлар шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

8.4.Шартнома томонларнинг имзоси қўйилиб, мўҳр билан тасдиқлангандан сўнг,ҳақиқий ҳисобланади.

8.5.Шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва томонларга бир нусхадан берилади.

**9.Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:**

**“БУЮРТМАЧИ”**

**Қарши шаҳар хокимлиги**
Манзил: Қарши ш.И.Каримов кўчаси 60-уй
Шхр: 302021860104017011402018002
ИНН: 202154671, ОКХ:84112, Марказий банк ББВ ХККМ Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ҳ/Р:234020003001001010, МФО:00014,
ИНН: 201122919, Телефон: 75 223-27-20

**Раҳбар:** **Н.Я.Холбоев**

**М.Ў.**

**“ПУДРАТЧИ”**

**Xamid Xursand Qurilish Invest МЧЖ**
Манзил: Қасби туман Насаф кўчаси 13,
Х/р: 20208000500608824001, МФО: 00446,
ИНН: 303894888, ОКОНХ:61133,
Банк: Турон АТ банк Тошкент ш филиали
Тел: +998 98 775-07-73

**Раҳбар:** **Д.Жабборова**

**М.Ў.**

# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 157268 на приобретение Услуга по текущему ремонту нежилых зданий

Способ проведения электронный

Дата 07.10.2022

Время рассмотрения 07.10.2022 14:29

Закупочная комиссия Карши шахар хокимлиги, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SULTONOV G'AYRAT TODJIYEVICH | Курилиш буйича уринбосар | Қарши шахар хокимлиги |
| **Секретарь комиссии** | KURBONOV SHERALI PANJIYEVICH | мутахассис | Қарши шахар хокимлиги |
| **Член комиссии** | XAMRAYEV LAZIZ ILXOMOVICH | мутахассис | Қарши шахар хокимлиги |
| **Член комиссии** | IBRAGIMOV SARDOR NURITDINOVICH | мутаххасис | Қарши шахар хокимлиги |
| **Член комиссии** | JUMAYEV JAHONGIR NORMURODOVICH | мутаххасис | Қарши шахар хокимлиги |
| **Член комиссии** | JAMALOV DILSHOD BOBOKULOVICH | мутахассис | Қарши шахар хокимлиги |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.10.2022 года № лота 157268.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту нежилых зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуга по текущему ремонту нежилых зданий (41.20.40.900-00006) 308950 |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 308 950 000.00 |
| Стартовая сумма | 308 950 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг қурилиш объектида ишларни олиб бориш жараёнида фойдаланадиган қурилиш машина ва механизмлари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "XAMID XURSAND QURILISH INVEST" MCHJ | 20 | бизда мавжуд | 18 | Экспертная | | |
| "NASAF QURILISH MONTAJ SERVIC"МЧЖ | 20 | бизда мавжуд | 16 | Экспертная | | |

Критерий №2 Иштирокчи хақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "XAMID XURSAND QURILISH INVEST" MCHJ | 20 | бизда мавжуд | 18 | Экспертная | | |
| "NASAF QURILISH MONTAJ SERVIC"МЧЖ | 20 | бизда мавжуд | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танловда иштирок этиш истагида булган талабгорлар лойиха смета жужжатлари ,экспертиза хулосаси хамда таьмирлаш билан тулик танишиб чикканлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "XAMID XURSAND QURILISH INVEST" MCHJ | 15 | бизда мавжуд | 15 | Экспертная | | |
| "NASAF QURILISH MONTAJ SERVIC"МЧЖ | 15 | бизда мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Банк ва соликдан карзи йуклиги туғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "XAMID XURSAND QURILISH INVEST" MCHJ | 15 | бизда мавжуд | 15 | Экспертная | | |
| "NASAF QURILISH MONTAJ SERVIC"МЧЖ | 15 | бизда мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Танлов иштирокчисининг қурилиш объектида ишларни олиб бориш жараёнида ишчи ходимлари

хақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"XAMID XURSAND QURILISH INVEST" MCHJ** | 20 | бизда мавжуд | 15 | Экспертная | | |
| **"NASAF QURILISH MONTAJ SERVIC"МЧЖ** | 20 | бизда мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 урилиш ишларини қанча муддатда бажарилиши хақида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"XAMID XURSAND QURILISH INVEST" MCHJ** | 10 | бизда мавжуд | 7 | Экспертная | | |
| **"NASAF QURILISH MONTAJ SERVIC"МЧЖ** | 10 | бизда мавжуд | 3 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **"NASAF QURILISH MONTAJ SERVIC"МЧЖ** | 308 950 000.00 | 308 950 000.00 UZS | 308 950 000.00 | 00.00 | 308 950 000.00 | 06.10.2022 16:44:50 | 9.97411 |
| **"XAMID XURSAND QURILISH INVEST" MCHJ** | 308 950 000.00 | 308 150 000.00 UZS | 308 150 000.00 | 00.00 | 308 150 000.00 | 06.10.2022 16:36:56 | 10 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **"NASAF QURILISH MONTAJ SERVIC"МЧЖ** | 57.6 | 9.97411 | 67.57411 |
| **"XAMID XURSAND QURILISH INVEST" MCHJ** | 79.2 | 10 | 89.2 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 157268 от 07.10.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту нежилых зданий определила победителем:

"XAMID XURSAND QURILISH INVEST" MCHJ
303894888

и резервный исполнитель: "NASAF QURILISH MONTAJ SERVIC"МЧЖ (302993464)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SULTONOV G‘AYRAT TODJIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | IBRAGIMOV SARDOR NURITDINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | JUMAYEV JAHONGIR NORMURODOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | JAMALOV DILSHOD BOBOKULOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП